



**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ВА МАҲАЛЛА:
МАҲАЛЛИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ДЕПУТАТНИНГ МУҲИМ ЎРНИ**

Фируза Мухитдинова

*ТДЮУ профессори, юридик фанлар доктори, халқ
депутатлари Миробод туман Кенгаши депутати*

*Биз фаолиятимизнинг биринчи кунларидан ҳамма ишини маҳаллада, халқимиз
 билан биргаликда ташкил қилиб келаяпмиз. Бу тизимни босқичма-босқич
 ривожлантиридик. Энди яна қўшимча куч, имкониятлар бериляпти. Бу ҳам
 ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар – давлатимизнинг энг катта замини .*

Шавкат Мирзиёев

Бугун маҳалла деганда, дунё давлатларида камдан-кам учрайдиган, ҳар бир инсонни қалбига йўл топадиган, меҳр, инсонпарварлик, бафрикенглик ва оқибат кўрғони, янги институт тушунилади. Ахир, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” мана шу институтда ташкил топган оқибат ва саховат дафтарлари юритилган масканку.

Шу боис ҳам, ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини **ўзи яшаб турган** маҳалласида ҳал этишга ўрганди.

Тарихдан маълумки, бирор бир маҳалла тарихда ном-нишонсиз кетмаган. Чунки, полвонлар маҳалласи, новвойлар маҳалласи, шоирлар, олимлар, хунармандлар, тикувчилар, этикдўзлар, темирчилар маҳалласи деган номларни кўп эшитганмиз. Демак, ҳар қайси маҳалланинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда ҳар бир фуқаронинг, оиласининг ўрни ва таъсири бўлиши табиий. Шу учун халқимизда “отангга раҳмат”, онангга раҳмат”, бобо-бувиларинг жуда ажойиб инсон эди” деган гаплар кўп учрайди. Бу маҳаллада фалончи олим, шоир, шифокор, табиб бор деб гапиришлари ҳам бежизмасдир. Бундай ёзишимга сабаб: ҳар бир маҳалланинг ўз номи бор, ўз одамлари бор, ўз фуқаролари бор, ғурури, фахри бор. Шундай экан, давлатимиз томонидан ҳар бир фуқарога алоҳида эътибор берилаетган бир пайтда биз ҳам, маҳаллада оиласиз шаъни, аждодларимиз эзгу ишларини давом этиришимиз жоиз эмасми? Бизни тарбиялаб ўстирган ота-онамиз, бобо-бувимизга мос ишларни қилиб, маҳалламиз обрўсини кўтарсак бўлмайдими? Қўни-қўшни билан арзимас нарсалар учун жанжални ким мерос қолдирган бизга? Қўча-кўйда ахлат қолдириб кетишни бирор бир инсон ўргатганми? Яшаётган хонадонимиз атрофини тозалаш қадимий урф -одатмасми? Ёши катталарга салом бериб, қўлидаги оғир юкни дарров олиб кўмаклашиш бизнинг маънавий меросимизмасми?



MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Бу саволларга жавобни эса, маҳаллани ташкил этган оила тарбиясидан, оила остонасидан қидириш керак.

Чунки инсоннинг илк ҳаётий тарбияси биринчи галда оилада шаклланади. Шу сабабли ҳар бир ўсиб келаётган боланинг дунёқарашидаги яхшилик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ор-номус ва андиша каби маънавий меъзонлар уни тарбиялаётган оиласидан бошланади. Демак, маҳалла тарбия маскани десак ҳам бўлади. Чунки ҳар бир оилага баҳо берадиган маскан маҳалладир. Хусусан, маҳалла институтига оид 38 та қонун ва меъёрий хужжатлар қабул қилинди, 50 дан ортиғи такомиллаштирилди. Жамият ҳаётида жонбозлик кўрсатган соҳа ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланди. Фуқаролар йигинлари раислари ва масъул котибларининг ойлик иш ҳақи ўтган йилнинг ўзида 1,5 баробарга оширилди.

Дарҳақиқат, маҳалла, оила ва тарбиянинг маънавий асосларига ургу берар эканман, унинг хуқуқи жиҳати бош Қомусимизда ифодасини топганлигини ҳам айтиш лозимдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасида «вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» деб, фарзандлик масъулияти қонуний белгилаб қўйилган.

Кувонарли томони, маҳалла ва фуқаролар билан ишлаш тизимининг ҳам конституциявий, ҳам қонуний асоси мавжуд яъни маҳаллалар ўзининг қадимдан бажариб келган зиммасидаги вазифаларни самарали бажариши учун хуқуқий асослар билан бирга, етарли шарт-шароитларга ҳам эга..

Эътиборли томони Конституциянинг Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши деб номланган бешинчи бўлим, XXI боб яъни Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари бобининг 120-моддасига кўра, Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) ҳалқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимияти вакиллик органларидир.

Ҳалқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қиласи.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида ҳалқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас.

Ҳалқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари муддати — беш йил. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ айни бир вилоят, туман, шаҳар ҳалқ депутатлари Кенгашининг раиси этиб сайланиши мумкин эмас.

Ҳалқ депутатлари Кенгашлари депутатлари сайлови ва ҳалқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун билан белгиланади.

Янгидан ташкил этилган маъмурий-худудий бирликларда ҳалқ депутатлари Кенгашларига сайлов ҳалқ депутатлари Кенгашларига навбатдаги умумий сайловларга қадар қолган даврдан ошмайдиган муддатга ўтказилади.

Шунингдек, бош қомусимизнинг 127- моддасида “Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овлуларда, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овлулардаги

MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни сайлайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимиға кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиқкан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли.

Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови тартиби, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва ваколатлари қонун билан белгиланган бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг чинакам халқона институти сифатида жамиятимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу халқ билан мулоқот қилиш ва инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган эзгу вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётир. Албатта, маҳалла аҳолиси бир оила каби ўзаро ҳамжиҳат бўлиши энг катта кучdir.

Эътиборли жиҳати, бугун юртимизда жаҳонда тан олинган маҳалла институтини янада ривожлантириш йўлида янги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони яъни “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муюаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони маҳаллаларни қўллаб-кувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга маъсул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятли бўлди.

Бинобарин, ушбу хужжатга кўра, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасини, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларини ташкил этиш назарда тутилди.

Уюшманинг асосий вазифалари этиб, маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги “кўпrik” вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айланишига кўмаклашиш, маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш кабилар белгиланди. Конституциямизнинг 1-моддасида “ижтимой давлат” тушунчаси киритилганки, унинг амалий ифодаси мазкур фармонда ижтимоий ёрдам турларини кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш «маҳалла еттилиги»нинг коллегиал қарорлари асосида амалга оширилиши, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчisi, хотин-қизлар фаоли ва ижтимоий ходим уларга юклатилган вазифалар юзасидан жисмоний шахсларни тегишли дафтарларга киритиш ва чиқариш ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва

MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

субсидиялар ажратиш бўйича ҳужжатларни шакллантириб, маҳалла «еттилиги»нинг бошқа барча аъзоларига кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун киритиши масалалари ечимини топган.

«Темир дафтар» Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан юритилиши ҳам белгилаб қўйилганки, унинг мантиқий давоми куни-кеча 27 октябрь куни халқ ишонч ила сайлаган депутатларимиз назоратида бўлиши айни муддаодир.

Демак, шундай депутатлар халқимиз ишончини амалда оқлаши ҳам қарз, ҳам фарзdir. Депутат-халқ томонидан парламентда ёки бошқа давлат органида, маҳаллий кенгашида сайланган халқ вакили. У одамларнинг муаммоларини, уларнинг еҳтиёжлари ва истакларини эшитиши ва уларни ҳал қилиш учун ишлаши керак. Айрим ҳолларда баъзи депутатлар одамларнинг фикри ва еҳтиёжларини тўғри кўриб чиқишига бефарқ ҳам бўладиган ҳоллари ҳам учраганини яхши биламиз., айниқса депутат масъулиятини йўқотса, фуқароларнинг ишончсизлигига олиб келиши мумкин. Халқ ишониб, овоз бердими, депутат бу ишончни оқлаши учун ҳалол, очиқ ва сайловчилар билан фаол мулоқотда бўлиши давр талабидир. Шундай қилиб, депутат ҳақиқий "халқ овози" бўлиши, халқ ўз манфаатлари ҳимоя қилинишига ишончи комил бўлиши муҳим. Бугунги кунда депутатларнинг халқ орасига кириб боргани, маҳалладан бошланмоқда. Шу боис, маҳалла равнақи йўилида депутатларнинг ўрни ҳақида гап кетганда, 37 миллиондан ошган аҳолимизга депутат ваколати ҳақида тушунча берсак, депутат, ҳар бир фуқаро, оила, маҳалла- жамият ва давлат тимсолида таҳлил этиб оддий лекин кенг тарғиб этайликки, ҳар бир фуқарода ўз вакилига ишонч ва ҳурмат ошсин. Шунингдек, ўз оиласига, ўз маҳалласига ҳурмат ва эътибори қучайсин.

Нега деганда, бугун маҳалла – ҳақиқий маънавият бешиги. Олим ҳам, раҳбар ҳам, оддий фуқаро ҳам ўз маҳалласи, ўз оиласи ва хонадонига эга. Ҳар бир хонадондаги ҳақиқий аҳвол: маҳаллага маълум. Шундай маънавият қўргонида порахўр, ёлғончи ва фирибгар, худбин ва жиноятчи бекиниб яшай оладими? Албатта йўқ: халқ қудратdir, халқ денгизdir, халқ тўлқинdir, -деб жадидларимиз бежиз айтишмаган. Халқ ҳаммасини кўриб, сезиб юради. Ҳар бир хонадондаги фарзанд тарбиясини ҳам билади. Бугун маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаoliyati барча соҳада сезилмоқда. Мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла” принципи асосида ҳамкорлик тизими жорий қилиш институти ҳам янгиликdir.

Иккинчидан, фуқаролар йигинларининг уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини аниқлаб, оғирини енгил қилиш борасида давлат идоралари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари аниқ чора-тадбирларни амалга ошириши ҳам катта масъулиятдир.

MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Учинчидан, маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлашда кекса авлод вакиллари ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар нафақадаги ходимларининг бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида “Кексалар маслаҳати” гурухлари амалда фаолиятини йўлга қўйди. Тўртинчидан, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда маҳалланинг роли сезилади. Чунки ҳар бир хонадонда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун қўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим асосида тарбияланади ва вояга етади.

Асрлар давомида одамларда маҳалла инсоннинг улғайишида ибрат макони орган сифатида тасаввур уйғотиб келган адолатли тизимни жорий этганини унтишига ҳаққимиз йўқ. Бугун эса, бу тизим ҳар жиҳатдан янги босқичга кўтарилимоқда. Яъни, у тараққиёт стратегиясида инсон хуқуқ ва эркинликларининг, инсон-жамият-давлат тамоилий йўлида фаолият юритувчи тизим сифатида майдонга чиқмоқда. Шу боис ҳам, 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимизнинг ривожланиш тенденциялари қандай бўлиши, бу борадаги устувор вазифалар белгиланган. “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамоил асосида ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Буни нималарда кўриш мумкин?

Энг аввало, муҳим йўналишлардан бири ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг маҳаллалардаги муаммоларни ҳал қилишдаги ролини ошириш, қабул қилинган қонунларнинг амалиётда сўзсиз ва тўлиқ ижро этилишини таъминлашда парламентнинг иштирокини кенгайтириш вазифалари белгилаб берилмоқда. Бу эса маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гурухларидан ҳам катта масъулиятни талаб қиласиди.

Бунда ҳар бир маҳаллага тайинланган ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан бевосита ўша ҳудуддан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамкорликда ишни ташкил этиши талаб этилади.

Тараққиёт стратегияси ва жорий йилги янги сайланган депутатлар назорат қилиш бўйича мутасадди раҳбарларга кўрсатиб ўтилган барча вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда партия депутатлик гурухлари ҳам фаол иштирок этиб, қатъий депутатлик назоратини йўлга қўяди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йил 18 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида сўзлаган нутқида сайлов натижасида Қонунчилик палатаси таркиби қарийб 60 фоиз янгиланиб, 87 нафар янги депутат сайланганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Шавкат Мирзиёев

MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

таъбири билан айтганда, “Кучли парламент ва халқ вакиллик органлари – Янги Ўзбекистоннинг таянчидир”. Ўз нутцида президентимиз янги таркибдаги Олий Мажлис Конунчилик палатаси биринчи мажлисида парламент фаолиятидаги ютуқлар билан бирга камчиликлар хусусида ҳам тўхталди. Жумладан, тўғридан-тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунлар улуши камлигича қолаётгани; парламент назорати тўлақонли таъсирчан институтга ҳали ҳам айланмагани ҳамда “парламент ва депутатлик назорати ижтимоий соҳа билан чекланиб қолаётгани эътиrozга сабабdir. Демак, энди сайланган янги парламентдаги ва барча бўғиндаги депутатлар эндиликда ҳалқ билан бирга бўлишига аҳамият берилди. Яъни, “Депутат – бу ҳалқ хизматчиси”, деган тамойил илгари сурилди. Бу ҳақда давлатимиз раҳабари таъкидлаганидек, “парламент – демократия мактаби”, шунингдек, “парламент – ҳалқ уйи”, “депутат – фикри зикри билан ҳалқقا энг яқин одам, доимо эл-юртнинг ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс”, бўлиши давр талаби десак, тўғри бўлади. Чунки бу борада Шавкат Мирзиёев ҳалқ ноибларига: “Депутат – бу ҳалқ хизматчиси, барчага ўrnak бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир”- деб бежиз айтмади.

Шу маънода, депутатнинг масъулияти – ҳалқ ишончини қандай оқлашида намоён бўлади. Чунки ҳалқ вакиллари сифатида депутат ва парламент ҳалқка хизмат қиласди.

Академик Акмал Холматович Саидовнинг таҳлилига кўра, ўтган чақириқ Олий Мажлис Конунчилик палатаси фаолиятида яъни қуий палата 2020-2024 йилларда жами 654 та қонун лойиҳасини кўриб чиққан. Шундан 135 таси – яхлит, яъни янги қонун лойиҳаси бўлса, 47 таси – ҳалқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилишни назарда тутувчи ҳамда 472 таси – айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳисобланади.

Конунчилик палатаси депутатларининг қонун ижодкорлиги ташабbusi кейинги 5 йилда изчил кучайган. Депутатлар томонидан ўтган даврда қонунчилик ташабbusi ҳуқуки асосида 72 та қонун лойиҳаси киритилгани диққатга сазовордир. Бугунги кунда ҳалқ вакиллари фаолиятида сайловчилар депутат олдига эмас, депутат ўз сайловчилари ҳузурига бориши шарт, деган тамойил устуворлигига катта аҳамият берилди.

Кувонарлиси, депутатларнинг сайлов округларидағи фаолиятига янгича шакллар ва усуслар жорий қилингани янги сайланган депутатлар учун ҳам амалда бўлаётгани, депутатларнинг сайлов округларидағи ўз сайловчилари билан учрашувларини ҳар ойнинг охирги ҳафтасида ўтказиш ва ушбу учрашувлар якунларини Конунчилик палатаси ҳамда унинг Кенгаши мажлисларида кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилгани муҳимдир.

Жойларда ҳар бир депутат ўз худудидаги Ҳалқ қабулхоналари билан доимий алоқа ўрнатгани, депутатнинг сайлов округида фаолият кўрсатадиган ёрдамчиси

MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

лавозими жорий этилгани: халқ ташвиши, муаммоларининг ечимини топиш учун мухимдир. Чунки бу 2025 йилда камбағалликни қисқартириш учун мухим ислоҳотлар йўлга қўйилмоқда.

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон ташаббуси билан кейинги йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва минтақа доирасида бир қатор йирик ташаббуслар илгари сурилиб, халқаро ҳамжамият ҳам бу ташаббусларни кенг қўллаб-қувватламоқда. Ўтган йиллар таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари асосида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 11 та резолюция қабул қилинган. Президент Шавқат Мирзиёевнинг жаҳон минбаридан илгари сурган ташаббуси билан 2018 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисида”ги резолюция қабул қилингани тарихий ҳақиқатдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон парламенти жаҳон парламенти орасида ўз ўрнига эга. Президентимиз нутқида парламент тараққиётининг 8 та устувор йўналишини яъни, Янги Ўзбекистон парламентининг фаолият дастурини белгилаб берди. Энг асосийси, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири этиб белгиланди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида янги сайланган депутатлар қайси масалалардаги қонун лойиҳаларига эътибор қаратишлари зарурлигини санаб ўтди. Президентимизнинг фикрича, шахарсозлик реновацияси, улуш киритиш асосида уй-жой қурилиши, мажбурий тиббий суғурта, электр энергиясининг улгуржи бозори, финтех, стартап ва сунъий интеллект каби масалаларда қонунлар қабул қилишга зарурат бор. Демак, энди сайланган депутатлар масъулият билан ҳар бир вазифага ёндашиб, қабул қилинаётган қарор ёки фармонларнинг туб моҳияти халқимизнинг яхши шароитларда яшаши, ҳар бир инсоннинг ривожланиши учун фойдали бўлишга қаратишса, юртбошимиз таъкидлаганидек, “Замон шиддат билан ўзгаряпти. Маҳаллани жойларда муаммоларни чинакам ҳал қиладиган институтга айлантиришимиз зарур. Яна тажриба ортирамиз, яна ўзгартирамиз. Ҳаёт бизни шунга мажбур қиляпти. Ҳозирги таҳликаларга ечим топамиз десак, бизнинг ягона йўлимиз – маҳалла, маҳалла, маҳалла ва яна бир марта маҳалла. Маҳалла тизими обрўйини қанча кўтарсак, одамлар ишонади, одамлар биздан рози бўлади”. Ана шунда ислоҳотлар натижалари, соҳалардаги ўзгаришлар энг аввало маҳалладан бошланади. Зеро, ўзим бугун Тошкент шаҳар халқ депутатлари Миробод Кенгаш депутатиман, Янги замон МФЙ да 2978 та ахоли, 1744 та аёллар,

8та ёлгизлар, 70 та ногирон, Камбагал оила реестрдагилар 12 та, хонадон 887та ҳамда 505 та пенсионер истиқомат қилишади. Демак, ишларимиз роса кўп...камбағалликни қисқартишимиз керак...ёшларимиз билан ишлашимиз керак... Эътиборлиси, “Маҳалла бюджети” тизими тўлиқ жорий қилинмоқда. Бу –

MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

хар бир маҳалланинг 100 миллион сўмгача маблағи бўлади, дегани. Зеро, Конституциянинг **122-моддасида** Халқ депутатлари Кенгашларининг :

- 1) тегишли маҳаллий бюджетларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- 2) ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш дастурларини тасдиқлаш;
- 3) ҳокимни лавозимга тасдиқлаш, унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш;
- 4) ушбу Конституция ва қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш каби ваколатлари белгиланган. Демак, давлатимиз раҳбари томонидан маблағларни маҳаллада иш ўрни яратадиган, аҳолининг оғирини енгил қиласиган лойиҳаларга йўналтириш ҳақидаги фикрлари депутатларни масъулиятини оширади. Ахир, камбағаллик даражаси сўнгги 4 йилда 23 фоиздан 11 фоизга тушди. Бу йил 9 фоизгача тушини кутилмоқда. Келгуси 5 йилда аҳоли сони 40 миллиондан ортиши кутилмоқда. Бундай демографик ўсиш, албатта, катта имконият, лекин, шу билан бирга бу ҳолат олдимизга янги-янги, ўткир вазифаларни қўйиши ҳам шубҳасиз.

Айниқса, камбағалликни қисқартириш, экология, энергетика, транспорт, йўл, ичимлик суви таъминоти, аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби муҳим соҳаларда ҳалқимизнинг талаб ва эҳтиёжлари тобора ўсиб бораётган мазкур даврда 2025 йилда 1 млн аҳолини камбағалликдан чиқариш Вазирлар Маҳкамаси иктисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланди. Бу эса, маҳаллий кенгаш вакилларига ушбу жараёнда фидоийлик ва масъулият юклайди.

Шу мақсадда камбағал оиласлар болалари мактабларда чет тили, касб-ҳунар ва IT бўйича бепул билим олиши учун 500 млрд сўм ажратилади. Ижтимоий аҳволи оғир 1 мингта маҳаллада инфратузилмани яхшилаш дастури амалга оширилади. Бунга 2 трлн сўм йўналтирилмоқда. Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга жами 46,5 трлн сўм маблағ сарфланар экан, бу эса, ҳукумат, шунингдек, 2030 йилгача ишсизликни ҳалқаро эътироф этилган даража — 5–6 фоиздан оширмаслик учун энг катта саромоя бўлиши аниқ. Шу боис ҳам, “Худудларда юқори иктисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борада маҳаллий ҳокимликларнинг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга кўра, 2025 йилдан куйидагиларга рухсат берилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига:

- туман (шаҳар)ларнинг иктисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, ЯТТлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг энг кам ва энг юқори қатъий белгиланган ставкалари доирасида туман (шаҳар)лар кесимида ЯТТларга қатъий солик ставкалари микдорини белгилаш;

MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

• солиқ солиши мақсадида қўлланадиган кўчмас мулк ижара қийматининг 1 метр квадрат учун ўрнатилган минимал миқдорларига нисбатан туман (шахар)лар кесимида 2 баробаргача оширувчи коэффициент, хусусан, Тошкент шаҳрида ушбу оширувчи коэффициентни ер солиги каби зоналар кесимида қўллаш;

халқ депутатлари туман (шахар)лар кенгашлариға:

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларига 0,7 баробардан 1,5 баробаргача камайтирувчи ёки оширувчи коэффициент қўллаш;
- норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг қатъий белгиланган ставкаларига 1,3 баробаргача оширувчи коэффициент белгилаш ваколатларини бериш.

Фармонга мувофиқ, ҳокимликларга қўйидаги ваколатлар берилади:

2025 йил 1 марта тундидан ҳудуди 10 минг метр квадратдан, баҳоланган қиймати 5 минг БҲМдан ошмаган ҳамда 6 ой давомида сотилмаган маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли кўчмас мулк обьектларини 2 йил ичидаги янги лойиҳани ишга тушириш ва иш ўринлари яратиш шарти билан:

- тадбиркорларга тўғридан-тўғри 10 йил муддатга ижарага бериш ҳамда давлат мулки учун 4 йил давомида узлуксиз ижара тўловларини амалга оширган ва ижара шартномаси шартларини бажарган тадбиркорга хусусийлаштириш ёки баҳоланган қийматда тўғридан-тўғри сотиш;
- халқаро тан олинган хорижий тил ва малака сертификатларини олишга ўқитадиган маҳаллий ҳамда хорижий мутахассислар ёки ташкилотларга дастлабки биринчи йили ижара тўлови ундирамасдан 5 йил муддатга кейинчалик унинг муддатини узайтириш шарти билан ижарага бериш.

Туман (шахар)лар ҳокимликларига қўйидаги йўналишларда маъмурий ваколатлар берилади:

- давлат бошқаруви органлари ва тадбиркорлар ўртасида “доимий алоқа” тизимини яратиш мақсадида туман (шахар)ларда Тадбиркорлар жамоатчилик кенгашини тузиш;
- 2025 йил 1 январдан белгиланган вазирлик ва идораларнинг туман (шахар) бўлимлари раҳбарларини масъул вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, шунингдек, тегишли масъулларга рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;
- 2025 йил 1 январдан 2026 йил 1 январгача белгиланган рўйхат бўйича туман (шахар)ларда хуқукий эксперимент тариқасида туман (шахар) ҳокимлиги фаолиятини “Аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилиш” янгича ёндашуви асосида ташкил этиш борасида ваколатлар кенгаймоқда. Демак, 2025 йил ана шундай сермазмун: халқпарварлик ва инсонпарварлик тамойилларига таянган йил бўлиб тарихга киришида депутатларнинг ўрни бекиёс бўлишига умид қиласиз.